



ДУШАНБЕ

Иқтисодий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 101 (8.685) 1995 йил 30 август, чоршанба Сотувда эркин нархда

«ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

□ Вазирлар Маҳкамаси «Кичик бизнес» ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури туғрисида» қарор қабул қилди.

□ Муштақилликнинг турт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Эрон Президенти Акбар Хошимий Рафсанжоний, Жазири Президенти Лиамиин Зеруал, Гвинея Президенти генерал Лансана Контздан байрам кутловлари олинди.

□ Республика Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Грузия давлат раҳбари, Грузия республикаси парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе шу йил 4 сентябрь кuni Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

□ Андижонда йилга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорда маҳсулот ишлаб қилинган Ўзбекистон—Туркия тикувчилик қўшма корхонаси ишга тушди.

□ Сурхондарё вилояти пахтакорлари йигим-теримни бошлаб юбордилар. Кеча Жарқурғон тумани деҳқонларининг «оқ олтин» ортлган дастлабки қарвони пахта қабул қилиш пунктига келди.

□ Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуининг йилги маблақат иқтисодийга ҳорижий шартномаларни жалб этиш масаласи муҳокама қилинди.

□ Амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Малайзия Мэйбанк делегацияси республика вазирликларидан музокаралар ўтказди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида «Ўзбекизинг Интернешнл» халқаро компаниясини очиб туғрисидаги битим имзоланди. Уни Ўзбекистон миллий банки, Малайзиянинг Мэйбанк, Европа тиклиши ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро молия корпорациялари раҳбарлари имзоландилар.

□ Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида хусусий шифона ишга тушди.

□ Кеча ва бугун Тошкентдаги «Наврўз» саройида «Муштақиллик» пул-буюм лотереясининг тиражи ўтказилди. 250 миллион сўм миқдорда чиқарилган ушбу лотерея қийматининг 75 фоизи ютуқ сифатида берилди.

ҚАРДОШЛИК ТАНТАНАСИ



СУРАТДА: ҳужжатлар имзоланаётган пайт. Р. ЖУМАНИЕЎЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

Асримизнинг охириги ўн йиллиги жаҳон харитасида катта ўзгаришлар ясади. Марказий Осиё республикаларининг муштақилликка эришиши натижасида туркий дунёда юз берган янгиланиш мазкур тилда сўзлашувчи халқларнинг маданий-маънавий жиҳатдан жиқлашишини таъқоз қилди. Зеро, минг йиллар давомида бир илдиқдан баҳра олган халқларимиз орасига қўйилган сунъий тўсиқ барҳам топди. Тарихни, ўзлигини англаш маъриди келди. Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг илгари Анкара ва Истанбулда ўтган олиий даражадаги учрашувлари, Анкара баённомаси ҳамда Истанбул декларацияси ана шу мақсадни амалга ошириши, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни, маънавий уйғунликни муштақамлаш йўлида муҳим қадам бўлган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов туркий тилли давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида катнашган ушбу 28 август кuni Қирғизистон Республикаси пойтахтига ташриф буюрди. Бишкек шаҳри киргиз халқининг улкан маънавий мероси бўлмиш «Манас» эпосининг минг йилги нишонланган таърифи билан таърифи олган эди. Туркий тилли давлатлар раҳбарлари учрашувининг айнан шу пайтда ўтказилган таърифи ҳам мамлакат аҳолисининг яратгани ва ифтихорига сабаб бўлди.

Қирғизистон Республикасининг ҳукумат уйида олиий да-

ражадаги Бишкек учрашуви бошланди. Озарбайжон Президенти Хайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирел, Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаев иштирокидаги мажлис кун тартибидан халқаро ва маданий ҳамкорликни рағбатлантириш, маданий-маърифий уйғунликни муштақамлаш бугунги куннинг зарур талаби эканини таъкидладилар.

Халқларимиз маънавиятининг уйғунлиги мамлакатларимиз ўртасидаги самарали иқтисодий ҳамкорликка замин яратди. Ислам Каримов Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозғистон республикалари ўртасидаги иқтисодий интегра-

ция жараёни, «Туркистон — умумий уйимиз» шiori остида ўтказилган улкан маданий тадбирлар ҳақида сўзлаб, бундай ҳамкорликнинг Марказий Осиёдаги бошқа республикалар томонидан ҳам қўллаб-қувватланиши халқларимиз дўстлигини муштақамлашга хизмат қилишини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари экология муаммолари, хусусан, Орол денгизи қуриши натижасида юзага келган бухорларнинг олдини олиш зарурлиги ҳақида гапирди, бунинг учун Марказий Осиёдаги барча давлатлар биргаликда курашиши лозимлигини таъкидладилар.

Олий даражадаги учрашуви Бишкек декларациясини имзолаш билан якунида, Ҳужжатга туркий тилда сўзлашувчи олтин давлат раҳбарлари имзо чекдилар. Қирғизистон Президенти Аскар Акаев мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ва бошқа давлат раҳбарларига тинчлик ва ҳамкорлик рамизи сифатида «Манас» орденини топширди.

Туркий тилли давлатлар раҳбарлари шу кuni «Манас» эпосининг минг йиллигига ба-

ғишлаб ўтказилган тантанали йилгида ҳам иштирок этидилар. Туркий маданиятининг улкан бойлиги бўлмиш «Манас» эпоси жаҳон маънавий хазинасига қўшилган катта хиссадир. Шу боис «Манас» эпосининг минг йиллиги ЮНЕСКО ташаббуси билан бугун жаҳонда кенг нишонланмоқда.

Ислам Каримов тантанали йилгида сўзлаган нутқида «Манас» эпоси туркий халқлар бирлигининг ёрқин рамизи эканини таъкидлаб, мамлакатларимизнинг бугун ва эртаси учун ҳам Манасдек, Алломишдек элсавар қаҳрамонлар зарурлигини айтди.

Республикаимиз Президентининг Қирғизистонга ташрифи арафасида бишкеклик Абдурашид Солихўжаев оиласида қувончли воқеа юз берди. Уларнинг оиласида уч қиздан сўнг ўғил дунёга келди. Бахтиёр ота-она Президентимиз ҳурмати учун фарзандларига Ислам деб ном бердилар.

Туркий тилли давлатлар раҳбарларининг Бишкекдаги учрашуви халқларимизнинг маънавий бирлиги сари ташланган муҳим қадам бўлди. Олий даражадаги учрашувининг «Манас» қаҳрамонлиги эпоси минг йиллик тўғри билан уйғунлашиб кетгани чинакам қардошлик тантанасига айланди.

МУХАММАД ШАРИФ. ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ. Тошкент — Бишкек — Тошкент.

ҲАМДУСТИКДА

□ Украина Президенти Леонид Кучма собиқ Югославиядаги вазиятни ҳал этишда воситачилик қилиш ташаббуси билан чиқди. У Сербия, Босния ва Хорватия раҳбарларини Киевда музокаралар ўтказиш учун таклиф қилди.

□ Чеченистонда Шамил Басаев бошчилигидаги жангарилар Россия федерал қўшинларининг беш чегарасини қўлга туширишга муваффақ бўлдилар. Ҳозирча уларнинг тақдирини маълум эмас. Россия федерал маъмурули билан музокараларда иштирок этган Жоҳар Дудаев вакили Аслан Масхадов қўлга туширилган Россия чегарачиларини овоз этиш учун савий-ҳаракатлари бошлаб юборди.

□ Эртага Қозғистонда мамлакат янги Конституцияси юзасидан референдум ўтказилди. Бу Ассий Қонунда Қозғистонда Президент бошқаруви амал қилгани, ерга хусусий мулкчиликка руҳбат этилиши, икки палатали парламент бўлиши ва бошқа қондилар уз ифодасини топган. Президент Нурсултон Назарбаев қозғистонликларнинг аксарият кўпчилиги янги Конституцияни қўллаб-қувватлаганликларини айтди.

ХОРИЖДА

□ Душанба кuni Саравонинг ўққа тутилиши оқибатида мусулмонлар ўртасида 37 киши ҳалок бўлди, юздан ортқи киши жароҳатланди. Бунда серблар айбонлиқларидан. Халқаро ҳамжамият ва НАТО шу муносабат билан сербларга қарши жазо чоралари, жумладан ҳаводан бомба зарбаси беришни муҳокама этмоқда.

□ Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрига келган Татаристон вакиллари «Толибон» ислом толиблари ҳаракати раҳбарлари билан бир ерда бир ой илгари қўлга олинган «ИЛ-76» юк самолёти экипажини овоз этиш юзасидан музокаралар ўтказдилар. «Толибон» раҳбарлари баъзи шартлар билан самолёт экипажи аъзоларини овоз этишга рози бўлдилар.

□ Япония ҳукумати Хитой томонидан ўтказилган ядро синовларига норозилик сифатида бу мамлакатта бепул курсатилган ядронинг эрданнинг дачинага қисмини тўхта-тиб қўйишни мулжалламоқда.

□ Хиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатларида беш йилдан бундан овоз этиш қонли мажоралардан сунг ил бор жангариларнинг катта гуруҳи қурол-проғларини топшириб, ҳафсизлик қуларига таслим бўлди.

□ Малайзияда ҳукуматнинг янги манзилгоҳи буладиган шаҳарча қурилиши учун 8 миллиард доллар маблағ ажратиш мулжалланмоқда.

□ Жанубий Кореяда руй берган сув тошқини оқибатида 41 киши ҳалок бўлди, 12 киши бедарак йўқолди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛАМ КАРИМОВНИНГ «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» II ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ ОЧИЛИШИДА СУЗЛАГАН НУТҚИ

Теннис бўйича иккинчи халқаро турнирнинг ҳурмати қатнашчилари, меҳмонлари ва таъкилотчилари!

Хонимлар ва жаноблар! Сизларни Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида қизгин кўллашга ихозат бергайсизлар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун бу галиги мусобақалар давлатимиз муштақиллигининг 4 йиллиги арафасида ўтмоқда.

Сизларга, халқаро турнир иштирокчилари ва меҳмонларига мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида: сибсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, маданиятда, шу жумладан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам тўз ўзгаришлар содир бўлаётганини айтиб ўтиш менга катта маънуият бағишлайди.

Жаҳон бизни кашф қилди, биз ҳам ўз навбатида жаҳонни англаб етдим.

Бир неча кундан кейин Тошкентда халқаро олимпия кўмитаси раҳнамолигида биринчи Марказий Осиё уйинлари бошланди, теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Девис кубоги Осиё зонаси финалида учрашди, октябрь ойида бокс бўйича Осиё биринчилиги ўтказилди. Бундай йирик спорт тадбирларининг ўтказилиши бугун жаҳонга янги, муштақиллик йўлидан дидил бораётган Ўзбекистонини таништирди, миллат савоматлиги муштақамла-наётганини, спортчиларимиз маҳорати ортиб бораётганини, жаҳон майдонинида уларнинг нуфузи ошаётганини намойиш этди.

Бирок, биз учун булардан ҳам муҳими — янги-янги дўстлар, спорт мулкларининг орттиришидир. Киши ўзининг қандай эканини кўрсатишининг спорт майдонинда маҳоратини намойиш этишдан яхшироқ усули йўқ.

Бугунги кунда жаҳонга қуролланиш ва байронгарчилик соҳасидаги беллашувлар керак



эмас. Инсониятга барқарорлик ва тинчлик керак. Спорт эса, тинчликнинг муҳтор элиси ҳисобланади.

Энг истеъдодли, энг қобилиятли, энг ёрқин иқтидор эгалари жаҳонни спортдаги ютуқлари билан забт этаверсин. Улар фақат спорт майдонларида — ақли, маҳорати, гайриоддий қобилиятлари, истеъдоди ва жасорати, галабага бўлган интилиши билан беллашувчилар.

Улар инсон имкониятларининг чексизлигини, унинг жисман ва руҳан мукамаллигини исбот қилсинлар, инсон заковатининг бутун ўзгаллиги ва бетакорлигини кўрсатсинлар.

Мухтарам мусобақа иштирокчилари ва меҳмонлари! Мен Ўзбекистон спорт жамоатчилиги ва бугун халқи номидан бугун Ўзбекистон Президенти кубоги учун иккинчи теннис мусобақасига келган барча спортчилар ва уларнинг мураббийларига самимий миннатдорлик туйғуларини ихоз эйтишни истар эдим.

Мен бу мусобақани ёритиш учун келган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Ишончим комилки, бу мусобақа унинг иштирокчилари учунгина эмас, кўпсонли спорт мулкчилари учун ҳам ҳақиқий байрамга айланди. Мен улкан теннис яқин орада Ўзбекистонда жадал равишда ривожланиб, спортнинг бошқа турлари қаторидан унинг муносиб ўрнини эгаллашга амимман. Бунда мазкур мусобақа иштирокчиларининг хизмати катта оҳанга ҳеч шубҳа йўқ.

Дўстлар! Бир неча дақиқадан сунг мусобақамиз бошланади. Қўли ва бир-бирига муносиб кишилар-

ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС ВАТАНИ БЎЛАДИ

29 август кuni Тошкентдаги «Юнусов» теннис кортида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун иккинчи халқаро турнирнинг расмий очилиш маросими бўлди. Мазкур турнирнинг халқаро миқёсдаги нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йилги мусобақага АҚШ, Германия, Франция, Руминия, Россия каби 14 мамлакатдан вакиллар ташриф буюргани, бир қанча хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари уни ёритётгани шундан далолат бериб турибди.

Президент Ислам Каримов маросимда нутқ сўзлади. Қўрбошимизда Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар, хусусан, янги бунёд этилаётган спорт иншоотлари хусусида тўхтади. Меҳмонларга, спортчилар ва уларнинг устозларига мазкур турнирда фаол иштирок этаётганликлари учун миннатдорлик билдириди. Ўзбекистоннинг катта теннис ватани бўлишида ана шу турнир қатнашчиларининг хизмати беқўёс эканини қайд этди.

Халқаро спорт мусобақаларининг моҳир ташкилотчиси, Ўзбекистон Президенти кубоги турнирининг бош ҳаками Сассон Кашури маросимда сўз олиб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун катта ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, теннис оммавийлаштириш борасидаги савий-ҳаракатлар юрак эътирофга сазовор эканини таъкидлади.

Турнирнинг энг деб эълон қилинади. Ўзбекистон Давлат маҳриси янрайди. Унга ҳамроҳ равишда давлатимиз байроғи кўтарилди. Мусобақа катнашчилари, меҳмонлар ва томошабинларни олқишлаб олов фавворалар кўка отилди.

Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун мусобақалар давом этади.

Турнирнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎЗА).

ОГОРДОВНИНГ БИРИНЧИ ГАЛАБАСИ

Халқаро турнирнинг тантанали очилишидан сунг майдонга ўзбек теннисининг энг қули вакили, ҳамшаҳримиз Олег Огородов ва исроиллик спортчи, саралаш беллашувининг галиби Офер Селалар тушиди. Биринчи сетда унинг тенг кечган бўлсада, 6:6 ҳисобидан сунг тай-брейкда ташаббусни ўз қўлига олган Огородов 7:6 ҳисобида галабани қўлга киритди. Иккинчи сет эса Олегнинг тула устунлигида ўтди ва онда 6:2 ҳисоби қайд этилди. Энди Огородов ўтган йилги Президент Кубоги мусобақасининг ярим финалчини венгриялик спортчи Шандор Но-жали билан куч синашди.

Афсуски, шу кuni иккинчи ҳамюртимиз

Вадим Куценкога омад қилиб боқмади. У уйини руминиялик теннисчи Дину Пескариуа 6:4, 7:6 ҳисобида бой берди. Дмитрий Томашевин эса испаниялик Карлос Мойяга ютқазди. Шунингдек мусобақанинг энг таърибали ва қучли теннис усталиридан бири германиялик Карл Уве Штееб ҳамда марокашлик Юнес эль-Айкоуилар ўртасидаги баҳс ҳам ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Бунда Штеебнинг сувоққонлиги, катта таърибали қўли келиб у иккала сетда 6:3, 7:5 ҳисобида устун келди. Спорт мулкчиларига яхши таниш К. Аллами (Марокаш), Р. Раскон (Испания)ни энгди. Франциялик Ф. Виту эса у ҳамюрти Ж. Н. Гринда устидан галаба қозонди. Шундай қилиб энг қизиқ беллашувлар ҳали олдинда.

БОЛАЖОНПАРГА «ОЧИҚ ДАРС»

Шаҳримизда уаётган Президент Кубоги мусобақалари доирасида болалар учун етакчи теннис усталири иштирокида курганмали «дарс»нинг ташкил этилиши ҳам айни мудоао бўлди. Шу кун спорт мактаблари, жамиятлар, спорт клубларида теннис бўйича талим олаётган 200 га яқин болалар Президент Кубогининг таъкилотчиларидан ҳисобланмиш Исроил теннис маркази мутаассилари ва жонқуяр мураббийларимиз ташаббускорлигида «Юнусов» теннис клубида спорт мажмуасига йилгида.

Ўзбекистон терма жамоасининг маслаҳатчи-устози Александр Метревели, Исроил терма жамоасининг мураббийи Шимон Ралпорт, Президент Кубогининг бош ҳаками Даниел Гелли (Исроил) ҳамда Президент Кубоги мусобақасининг директори Ян Фруман (Исроил) каби етакчи теннис мутахассислари ёшларга теннис техникасининг нозик «сир»ларини тушутиришди ва уларни амалда қўлланган ҳолда курсатиб беришди.

Тадбир охирида марокашлик етакчи теннис устаси, про-

фессонал теннис ассоциациясининг тасдиғида кўра 105-уринда бораётган, Президент Кубоги совринига асосий даявогарлардан бири Карим Аллами болаларни ўз маҳоратидан баҳраманд этиб, уларни теннис техникаси борасидаги қизиқтирилари саволларига жавоб берди. Сунг Президент Кубоги мусобақалари ташкилотчилари ракета болаларга теннис ракеткаси, кепткаси ва турнир нишонини туширилган қалпоқчалар совға қилишди.

Дамир ИСАЕВ.

Мушоира

ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

Озодлик байрамининг
Қўлга бўлсин, ёрлар,
Омонда янган доғлар.
Келиб ажиб даворлар.
Утаб кетди қуноқдек
Муштақиллик замони,
Нейиллақ нисиб этди,
Бизга ҳам меҳрибонлар.
Толға чиқиб томоғи
Қилинган Ватан қўрқани,

Жаннатга ўшаб кетган
Сўлим бозу бустоналар.
Байрам либоси билан
Безанган неки Ватан,
Қўчо майдонларга
Силмак кетган инсонлар.
Эркин этиб намойиш,
Ўрта бериб оройиш,
Яшар эркин, оқойиш
Яшар қайроғлар,
Қарсга солмаган назар

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Давлат
муқофоти соҳиби.

ЭСДАЛИК СОВГАЛАРИ

Шу кунларда шаҳримизда бўлиб уаётган тадбирларнинг қучилиги жамиятимизда алоҳид алоҳид урин тутган аёлларга бағишланмоқда. Сергели туманида кун кеча «Аёл ва иқтисод» мавзусидаги тадбир ўтказилди. Бу тадбир туман ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон ХДП туман кенгаши томонидан уюштирилган.

Унда Республика «Наврўз» хайрият жамғармаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Дадаҳон Ёқубов, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раёсати аъзоси Муҳораб Юнусқўжаева ва бошқа олимлар, илгор ишчилар, намунали оилалар иштирок этишди.

«Наврўз» хайрият жамғармасининг раиси Дадаҳон Ёқубов иштиклони муштақамлашда аёлларнинг роли ва олиб борилаётган фикдорона меҳнатлари ҳақида гапириб тумандаги кам талимланган, боқувчисини йўқотган, қўп болали ва намунали оилаларга ҳамгарма томонидан байрам эсдалик совгаларини тақдим этди. Шунингдек, маҳалла фаолларининг бир нечаси Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг Фахрий Ёрликлари билан тақдирланди. Анжуман эажжи болажонлар ва таниқли санъаткорлар томонидан янграган қуй-қўшиқларга уларнинг кетди.

Зухра МУРОДОВА.

Элчилар қутлайди

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИНИГИЗ ПОРПАЙВЕРСИН

Биз республикамизнинг энг қутлғу байрами — Муштақиллик кuni арафасида шаҳримизда фаолият кўрсатяётган хорижий давлатлар элчилари билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини эътиб олдик.

Хасан АБДУЛЖАЛИЛ,
Индонезия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги факултетида ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон — Индонезия муносабатлари кейинги пайтларда тобора ривожланиб ва кенгайиб бормоқда дейишга асос бор. 1993 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бизнинг маъракатимизга ташриф буюрган чоғида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжат имзоланган эди. 1994 йилда Ўзбекистонда Индонезия элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. 1995 йилнинг апрель ойида эса Индонезия Президенти Сукарно расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Бир неча кун аввал Индонезия савдо вазири раҳбарлигидаги 40 га яқин ишбилармон кишилардан иборат делегация Ўзбекистонда бўлиб, ҳамкорлик режалари хусусида музокаралар олиб бордилар.

Бундай делегациялар алма-шуви Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва Индонезия Президенти Сукарноларнинг имзолаган ҳужжатларини амалий тарзда ҳаётга таъдиқ этиш борасида қилинган ишларидир. Имзоланган қўшма декларацияда савдо-иқтисод, илм-фан, техника, транспорт, маданият, тибб, савийлик, спорт каби соҳаларда алоқаларни ривожлантириш ҳақида баъдилар бор. Бундан ташқари, банк, молия соҳасида ҳам битимлар имзоланган.

Бундай делегациялар алма-шуви Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва Индонезия Президенти Сукарноларнинг имзолаган ҳужжатларини амалий тарзда ҳаётга таъдиқ этиш борасида қилинган ишларидир. Имзоланган қўшма декларацияда савдо-иқтисод, илм-фан, техника, транспорт, маданият, тибб, савийлик, спорт каби соҳаларда алоқаларни ривожлантириш ҳақида баъдилар бор. Бундан ташқари, банк, молия соҳасида ҳам битимлар имзоланган.

Шофат АЛИ ШАЙХ,
Покстон Ислам Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги факултетида ва мухтор элчиси:

— Биз икки давлат ўртасидаги алоқаларимизни ривожлантиришни янги-янги имкониятларини қўлиб топмоқдамиз. Лаҳор шаҳрининг Шайхлар бог деган сулим қўшмаси Алишер Навоий номи билан атамқилимиз. Албатта унинг «Хамкорликда бордур соадат» деган сўзлари бугун биз учун шнор бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг олиб бораётган оқилона сибсати, нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўзбек дипломатиясига бўлган ҳурмати, иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ва дадил қадамлар ташлашини буюк ўтмишга эга бўлган ўзбекиларнинг келажига ҳам буюқдир деган фикр дилимизда. Биз покстонликлар аса биродарларимизнинг муваффақиятларидан фурдланмиш. Мен фурсатдан муволақиб ўзбек дўстларини Муштақиллик байрами билан табриклайман. Истиклол қушининг порпайверсин, азаллар!

Гофур ЖАМОЛОВ
эътиб олдик.

Ислом КАРИМОВ:

«Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни ҳолисона билиб олиш давридир. Бу — жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазиғамизни англаб олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан ҳоли тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартираф этиш йўлларини излаш йилларидир...

Навоий ҳазратлари «Яхши хат ва нуқтадин саҳифага жамол» деган арканлар. Вақтинги мустақиллик шаҳодатномасига чекиладиган хат сурати нафис бўлмоқчи, маъни аҳли андин баҳра олмоғи лозим. Зеро, мустақиллик илоҳий инъом. Аллоҳнинг бир фазлу карами, Яратгани танишдан булак саяб ҳаракатларда мустақил мушоҳада қилиш, ўз майлича яшаш, мураббада этиш ҳам инсоннинг улугъ насибаси, қадим-қадим армони. Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллик шодивнаси асосида бундай шууринг тугилиши табиий ҳол.

Ўзбекистон Республикасининг бугун ял-ял жамолини намойиш этаётган мустақиллиги унинг тарихи ва тақдирдаги ўйғониш давридир. Миллий шуур ва гурур туйғуларининг сийрати ва сувратини эмди очик қўзлар билан шукрона қуриб турган эканмиз, бунинг савоибига нима етсин!

Шабдалар, ўйнаб ўтинарлар, Тоғлар, баланд тутинлар қадни. Гуллар, бугун меҳмон кутинлар. Ўзбекистон ўзин ясапти.

Султон АКБАРИЙ

ШУУР ВА ҒУРУР

(Қутлугнома)

Тўғлар кўкка санчилган каби. Биткиларда Ҳуррият, Тенглик. Жўшн, қайнаш, тошн сабаби. Мустақиллик ва бағри кенглик Қадлингги ур, яна тоабал. Ова юртим, туйларинг қўтлау! Турозамин — сўнас муҳаббат. Азал-азал ўчоқинг, ўтлағ.

Истиқлолнинг тансиқ нэматлари етти иқлимга, бани оламга таниғ, атовли: Ҳуррият, Адolat, Қадрият, Тўғларимиз ва туроларимизда ана шу эзгулик шакл-шамойилари. Биз бугун «Туркистон — умумий ўйимиз» деб турибмиз. Бу қадимий ва улкан Ватан. Унинг зарра-заррасини кузга туйиб қилмоқ жоиз. Наинки, «Хўштур кишига бўлса муқим ўз ватанида» (Отыйи). Наинки, «Ватан учун жон фидо қилиш лаззати ва фахрийдир» (Гораций).

Беги яхши бўлса халқи ҳам яхши бўлади. Халқи дошиманд бўлса беги ҳам дошиманд бўлади. Бу ҳам илоҳий бир иноят: ўзбек мардумига бир мустақиллик чаргобонини юборди. Биз юртбошимизга, эл-юрт гамида ёниб яшаётган етакчимизга қалбимизда ҳайкал қўйганмиз. Ислом Каримов таъкидлаганидек, савоб ишни ҳар кун қилмоқ лозим, савоб ишни ҳар ким қилмоғи лозим. Мустақиллик тугдори бўлишинг узиёқ улугъ савоб.

Сувнинг қаддини ариқ ёқасига ултирган эмас, сахро саробиди уртанган билади. Биз арқинлик обизамзам, Ҳизр суви эканини дарров илгамла турибмиз чоғи. Гуё у бизни анвойи гуллар очилиб, олтин мевалар пишиб ётган, хури гилмонлар парвона бўлган жаннатга илдам киргизиб қўймаётгандек. Тўғри бунда мантик бор. Уртада бозор иқтисоди деган янги турмуш тарзи чиқиб қолди. Биргина беш вақт номоз ўқиган билан жаннати бўлиш қийин. Чинлик керак, ҳалоллик керак, сидқидиллик керак. Том маънода комил мусолмонлик керак. Жаҳон нафс деб маънавиятни қурбон қилмаслик керак. Бугунги турмуш уринишлари, рўзгор ташвишлари вақтинчалик. Буни бадийи тафаккуримиз вакили Абдулло Ориф ўғли ҳам қуноиб айтаяпти. Ҳа, барака топгурлар, баъзиларимиз гангиб кетуча қолиб, паст қучага уриб кетмайлик. Аллоҳ ботиб роставчи нарсани сўймас.

Офтобнинг чиқиши қандай муқаррар бўлса, лаззатли қунар келиши, оромжон дамлар бошлиниши ҳам шундай муқаррардир. Бунинг учун иноқлик, иттифоқлик, тотувлик бўлса бас. «Хиба тул ҳақойик (ҳақиқатлар совғасида) угит қилинганидек, «Ғазаб ўти тутаб, алангалаб ёнса мулойимлик билан» Шафқат, марҳамат, ҳақиқат сувини сепиб, уни учир. Карам, шафқат кишига бир бинодек, унда яхши ҳислат бўлур».

Эй қуноил, гулёр чўқар гул бағридан, япроғидан, Бир сиким олсун алим ул покима тупроғидан. Ки, гулданом қўшқларига ислими мадоҳиддек, Нақд солар бўлсам ашарсун қўшқларини урпоқдан Ашннг теграсида ватан атаган гулчиси бордир. На гулчи, мажмуни балким, ҳол сўрар доғдидан. Аё дўстлар, ошнқдигни қайи айтмай, не лабз ила, «Алҳамдулила кул оҷармен тумор айлал бутюйдан. Гузаллик шодига айтнинг, Султонига раво курсин. Сийнадек жойинг суюроғл айлабон кучюйдан.

Энг афзали — тотувлик

ҚАРДОШЛИК ОҲАНГЛАРИ

Шаҳримизда бир неча миллат вакиллари тинч-тотув яшаб меҳнат қилади. Миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик, маданий-маърифий алоқаларнинг янада ривожланишида байналмилал маъданий марказларнинг ҳиссаси каттадир. Республикаимиздаги байналмилал маданий маркази бугунги кунда Ўзбекистон Мустақиллигининг 4 йиллигига атаб қатор қизқарли тadbирларни утказмоқда.

Яқиндагина Украина маданият маркази қошидаги мусиқий камер театр яқсаҳонлари ўз мусиқий байрам дастурлари билан ҳамшаҳарларимизни хушнуд этишди. Татар, рус, корейс, яҳудий, тожик миллий маданият марказларида бўлиб ўтган байрам дастурлари ҳам ақсарият ҳамшаҳарларимизга манзур бўлди. Шу уринда яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириши йўлида» номли асарига бағишланган конференция барчада қизгин таасирот қолдирганлигини айтиш керак.

— Истиқлол байрамига атаб талай тadbирлар режалаштирганмиз. — дейди биз билан сўхтада марказнинг бош мутахассиси Лариса Косунина, — кўргазма залимизда Ўзбекистон музаввирларининг, амалий санъат усталарининг бадийи кўргазмасини ташкил этамиз.

31 август ва 1 сентябрь кунлари Тошкентдаги барча миллий маданий марказларнинг ижодий жамоалари Мустақиллик майдонида «Туркистон — умумий ўйимиз» деган мусиқий дастур асосида концерт беришади.

Шўниси диққатга сазоворки, истиқлол байрамига бағишланган тadbирлар сентябрь ойида ҳам барча марказларда кенг миқёсда белгиланган. «Қушиқ — кунглик малҳуми», «Саҳий уйда», «Дўстлик ва меҳнат оҳанглари», «... Жаранглайди қуноқ қушиқ» каби номлар остида қизқарли байрамона тadbирлар утказилиши мўлжалланган.

«Хангум», «Гим Сан», «Фажрия» каби марказлар уларининг алоҳида дастурларига эга. Грузин халқи маданиятига бағишланган тadbирда эса Ўзбекистон шалқи билан биргаликда грузин маданият марказининг фаоллари ҳам иштирок этадилар.

Наргиза ШАВКАТ ҳаз.

Бугунги кунда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон бозорига дадил қадамлар билан кириб бормоқда. Айни пайтда Республиканинг бир иллик ташқи савдо айланмаси икки миллиардга яқин АҚШ долларига тенгдир. Корхоналар жаҳоннинг 50 дан ортиқ банклари, давлат маъмурий бўлиmlлари ҳамда фирмалари билан мустақам алоқа ўрнатган.

Бу ерда шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш кераки, тўрт йил ичида чет эл фирмалари билан алоқа сезиларли даражада узгарди. Бу табиий, албатта. Чунки Ўзбекистоннинг салоҳияти узининг табиий бойликлари, ишлаб чиқариш имконияти билан бошқа минтақаларга қараганда улкан. Мисол учун республикада ҳозирги пайтда 2 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Мустақил Ҳамдустлик мамлакатларига кирувчи Марказий Осиё давлатларида чиқадиган машина-созлик маҳсулотларининг иккидан ути бўлаги Ўзбекистонга тайёрланади. Республикада автомобиль ҳамда темир йўллари ҳам анча ривожланган.

Ҳозирги кунда республикага халқаро фирмаларни жалб қилиш ва қўшма корхоналарни қуриш ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистонда 1989 йили атиги иккита қўшма корхона мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 150 дан зиёд чет эл фирмаларининг вакиллари ишлаб турибди. 400 дан ортиқ иқтисодий алоқа қатнашчилари фаолият кўрсатмоқда. Шулардан юздан ортиғи қўшма корхоналардир. 20 га яқин корхона эса фақат чет эл сармоядорлари иштирокида ишламоқда.

Ўзбекистон ҳозир Германия, Япония, Жанубий Корея, Франция, Туркия, Италия ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириб борапти. Мисол учун Япония билан автосервис, Италия билан ха-

Ўзбекистон ва жаҳон ЗАВБОРЛИ ҚАДАМЛАР

лқ истеъмоли бўюмлари, Корея ва Германия билан автомобиль ишлаб чиқариш, Хитой, Сингапур, Швейцария, Бирлашган Араб Амириклари билан сайёҳлик, хонатлас, термос ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, АҚШ билан ноғоронлар аравачалари, электрон-ҳисоблаш машиналари соҳалари буйича ҳамкорлик қилинмоқда.

Кейинги пайтда Ўзбекистонга чет эл сармояларини жалб қилиш буйича анча ишлар амалга оширилди.

Тўрт йил ичида республикада бир қанча катта-катта лойиҳалар чет эл сармоя-

лари билан юзага келаяпти. Бунга мисол тариқасида Асакадаги енгил автомобиль ишлаб чиқариш корхонасини олиш мумкин. Бу қурилишни Жанубий Кореянинг «ДЭУ корпорейшн» фирмаси асосий маблағ билан таъминлаб келмоқда. Германиянинг «Мерседес-Бенц» фирмаси эса Хоразмдаги автотиркама-лар заводи қурилишида фаол қатнашмоқда, Франциянинг «ТЭКНИП» фирмаси эса нефтни қайта ишлаш корхонасини қуришда ўз ёрдамларини аямаптир.

Ўзбекистоннинг чет элга маҳсулот олиб чиқиш имконияти кенгайди. Лекин бу узига хос масъулиятни ҳам ўз ичига олади. Масалан маҳсулот чиқариш буйича халқаро мажбуриятлар сўзсиз ва сифатли баҳарлилиши керак.

Ҳа, утган тўрт йил ичида Ўзбекистон билан алоқада бўлган давлатлар рўйхати кундан-кунга ўсиб бормоқда. Республиканинг пахтани етиштириш ва уни экспорт қилиш буйича дунёда етакчи уринларга чиқиб олгани фикримизнинг яққол далилидир. Деҳқонларимизнинг пахта етиштиришдаги улкан тажрибаларини эса бошқа мамлакатларда ҳам қўлласа бўлади. Шунинг учун Ўзбекистон эртага сифатли, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уни дунё бозорига қўққ қилишига ишончимиз комил.

Ғулom ЮСУПОВ.



«Шарқ гули» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган ишчиларнинг ҳар бири байрамга ўзларининг муносиб совғалари билан келишди. Яъни аяло сифатли, харидорлар ва бежирим маҳсулотлар тайёрлашиб, иқтисодий тиқимизни бойитишда ҳиссалари катта бўлмоқда. Айниқса корхонанинг тиқув чеги чеварлари байрам муносабати билан янги тўрт хилдаги аёллар кийимини тиқиб чиқаришди. Бу маҳсулотлари тикишда шу жамоада кўп йилдан бундан меҳнат қилиб келаятган Мавжуда Аҳмедованинг ҳам улуши бодир.

СУРАТДА: моҳир тикувчи Мавжуда Аҳмедова.

«ОРЗУ»ДА ТАЙЁРЛАНГАН

«Орзу» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури билан бир қаторда сифат ҳам яхшиланиб бормоқда. Айниқса ҳужалиқда зарур бўладиган сумкаларга туширилган юртимиз герби ва «Орзу» тамгаси маҳсулотларнинг қанот ёйишига имкон тугдиратир.

Жамоа аъзолари улугъ байрам муносабати билан 10 хилдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришди. Унинг орасида аёлларнинг тўрт хилдаги сумкаси бўлиб, улар хотин-қизларимизни албатта қувонтиради.

Гули АБДУЛЛАЕВА.




Ҳамкорлик қирралари

«ДЭУ»

ХОНАДОНИНГИЗДА

Республикамизда хорижий давлатларнинг қўзга қўриган фирма ва компаниялари билан биргаликда очилган қўшма корхона ва кичик корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Улардан бири Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда яратилган «ЎзДЭУэлектроникс» ўзбек-корей қўшма корхонасидир.

Бугунги кунга келиб бундан уч йил муқаддам яратилган бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли бўюмлари қирмаган хонадонни топиш қийин. Жамоа аъзолари тadbиркорлик билан иш юритиб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.



— Мустақиллигимиз шарофати тўғрисида хорижий давлатлардаги ишбилармонлар билан турғидан-турғи мулоқотда бўлишга катта имкониятлар яратилди, — дейди фирманинг маркетинг бўлими бошлиғи Муҳиддин Авазов. — Айни вақтда тайёрланган маҳсулотларнинг бир қисми Кореядан турғи корхонамизга келтирилади ва шунинг узида умумлаштири-

...Мустақиллик йиллари — ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий ўйғониш ва миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши давридир. Бу — озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажак-ига ишонч билан тўлиб-тошган даврдир...

либ «ДЭУ» тамгаси билан юртимизнинг турли бурчакларига ҳамда Ҳамдустлик давлатларга жунатилади. Машиий хизмат техникаларининг бир нечта турини, видеомагнитофон, видеотелевизор, видеоплейер, музлатгичлар, дазмолнинг икки хил тури, кичик ҳажмли печлар ва бошқа шунга ўхшаш рўзгорда асқотадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулотлар асосан шаҳримиздаги мавжуд иккита фирма дўконимизда сотилади. Улар «Олой» бозоридан ва «Фарҳод» ярмаркасидан жой олган.

— Муҳиддин ака, фирма ўзи кичик бўлса, унинг янги филиалини очиш имкониятига эга бўлинди. Унинг ижобий томони қай даражада?

— Филиалини Сергели туманидан жой олган бўлиб, унинг фойдаланишга топширилиши ишлаб чиқаришнинг ривож топишига имкон яратди. Шунингдек тайёр маҳсулотнинг умумий қийматини 15 фоиз арзонлаштиришга муваффақ бўлдик. Бу филиал «Электроникс» компанияси деб юритилиб, улар асосан видеомагнитофон, рангли телевизор ҳамда видеоплейерларнинг бутловчи қисмлари-

ни тайёрлаб беради. Улар аввал Кореядан келтирилиб харажати қупайиб бораётган эди. Ҳозир ишлаб чиқарётган маҳсулотларимизнинг тенг ярми ўзимизда тайёрланмоқда. Компанияда бутловчи қисмлардан ташқари пластмассадан тайёрланган халқ истеъмоли бўюмлари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун бу йил охиригача 100 минг дона яқин телевизор ва видеомагнитофонлар ишлаб чиқариб халқимизга етказиб бериш истиғидамиз: Ҳозир жамоамизда 450 нафар ишчи-хизматчи жадал меҳнат қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб «ЎзДЭУ электроникс» фирмаси барча ҳамюртларимизни мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги байрами билан муборакбод этамиз. «ДЭУ» тамгаси туширилган машиий хизмат техникалари ва уй-рўзгор бўюмлари сизларнинг хизматингизда.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: «ДЭУ» тамгаси туширилган маҳсулотлардан намуналар; асосий ишлаб чиқариш цехидан лавға.

Рустам Шарипов олган сураатлар.

Истиқлол берган саодат

БАРЧАМИЗ БУНЁДКОРМИЗ

Замон узгарди, биродарлар! Жаҳон харитаси ўзгача шакл касб этди. Инсоний муносабатлар, жамият тузуми янгича негизга қўчаётир. Юртимиз эгали бўлди. Қўп асрлик дондор давлатчилигимиз қайта тикланди. Етти иқлим бизни таниди, тан олди, у билан тиллаша бошладик, бўйлаша бошладик.

Мустақил Ватанда кенгачан ислохотлар қўлими микёси... Буларнинг барини санаб адо қилиб бўладими? Башарат шунга жазм этилса ишонаверинг, рўйхатни тугал қилман димоқ хом хавдир. Негаки, мазкур беворкорлик мамлакат миқёсда амалга ошмоқда, унда бутун юрт иштирок этмоқда, яъни — сиз билан биз!

Эркин АБЗАМ.

«Тафаккур» журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты.

ИПК ОДИМЛАР

Ўзбекистон мустақил бўлганига, истиқлолга эришганига ҳам тўрт йил тўлибди! Ёш мустақил давлатимизнинг обрўйини, хурматини, салоҳиятини юксалтирадиган, бугун ҳар қанча гурулланса арзийдиган хайри ишларимиз тўғрисида истиқлолимиз янада мустақамланди, эртанги порлоқ кунимизга пойдевор яратдик.

Хавтимизни англашда, замон талабига жавоб берадиган бозор иқтисодиётига утишда, халқимиз учун муносиб фаровон келажак, адолатли жамият андозаларини яратишда сезиларли қадамлар қўйдик.

Истиқлол берган иқбол юртимизда мангу бўлсин! Феруз АШРАФИЙ, Ўзбекистон Республикаси Меморал уюшмасининг раиси.

ДУНЁ ТАНИЙДИ

Она-диёримизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши, айниқса санъат аҳли учун олам-олам қўвонч келтирди. Чунки истиқлол шарофати билангина ўзбек халқининг санъатда эришган ютуқларини хорижий мамлакатларда қўз-қўзламоқдамиз. Уларнинг жозибдор, гоҳал ижроси билан ҳаёт у қадимий мумтоз мусиқамиз бўлсин, шу жамон мусиқа санъатининг дурдона асарлари бўлсин, ижрочиларимизнинг ёшу қариси Ўзбекистон довруғини жаҳонга таратмоқда.

Ўзбекистон санъати бугун тан олинмоқда, ҳайратга солмоқда. Бу бахтни бизга истиқлол берди!

Улмас САИДЖОНОВ,

Ўзбекистон халқ ҳофизси,

Муҳиддин Қориеқубов номидagi ўзбек давлат филармонияси раҳбари.

КЕЛАЖАК ОСТОНАСИДА

Бугун ҳур дийрими — Ўзбекистон истиқлолининг 4 йиллигини нишонламоқдамиз. Шу қисқа вақт ичида энг эзгу қадриятларимиз, маънавиятимизни тиклашга, улугъ бобоқалонларимизнинг пок руҳлари овоз тупроғимиз узра марғур парвоз этишига, уларнинг азиз сиймолари ҳаётимизда қайтадан муносив ўрин топишига замин яратдик.

Эришган хайри ишларимиз, яхши натижаларимизнинг пойдевори — юртимиздаги тинчлик ва барқарорлиқдир. Тинчлик барқарор бўлган Ватанда фарзандлар соғлом, бақувват бўлиб улғайдилар, руҳлари тоза, фикрлари ёрқин бўлади. Шу босдан ҳам Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти, юртимиз эл-юртнинг омонлиги, тотувлиги йўлида улкан ишларни амалга оширмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир оиласига тинчлик ва фаровонлик ёр бўлсин!

Нафисахон УСМОНОВА,

Собир Раҳимов туманидаги 46-мактаб мўаллимаси.

ЮРТ СОҒИНЧИ

Биз хорижда яшаётган ўзбеклар учун Ватан дарвозалари қайтадан очилди. АҚШ, Австралия, Туркия, Судия Арабистони, Германиядан миллатдошларимиз кела бошладилар. Ватан соғинчини бизлардан сунанг. Атлантика океанига туташ мамлакатимизда ўзбеклар анча-мунча. Вақти-вақти билан учрашиб тураемиз. Асли бухороликман. «Оқшом» менга яхши таниш. Ўзбекистонлик ватандошларимиз ҳам жаҳонга чиқариши учун қўлимиздан келган хизматни аямайлик! Ахир ҳаммамиз овоз Ўзбекистон фўқароларимиз!

Матлуба АФОЛЯН,

Нигерия фўқароси, шўноқор.

КАТТА ИЛТИФОТ

Мустақиллик бағта кўп нарса берди. Фақат унинг нима эканлигини илғаб олиб, ҳаётга тadbир этиш ҳар бир фуқароннинг бурчидир. Галнинг индаллосини айтадиган бўлсам энг аввало нафаҳадурларга, кўп болали оналарга, кам таъминланган оилаларга қўрсатиладиган меҳр-шафқат ва муруватнинг ўзи ҳам катта илтифотдир. Мен нафақа йшида бўлсам ҳам «Тошқўнмаччи» ҳиссадорлик жамиятида ишни бўлиб меҳнат қилаётман. Корхонамизда тўғиб чиқарилаётган галламаларнинг қўзлаб турлари мустақиллигимиз тўғрисида жаҳон бозорларининг иккини кўрди. Хорижий давлатлардаги тўғичилик корхоналарининг корхона билан ҳамкорлигида иш тутишга астойдил ҳаракат қилишавтир. Эришавтган ютуқларимиздан қувонмоқдамиз. Лекин хотиржам ҳам бўлишимиз керак эмас. Ёшимиз, кексамизми билганимизни ўргатиб, билмаганимизни сўраб, мустақил юртимизни янада мустақамлашимиз керак.

Ҳамидо РАҲМАТУЛЛАЕВА,

«Тошқўнмаччи» ҳиссадорлик жамияти ишчиси.

Эски шаҳар ёшаради КЕНГ КЎЧАЛАР, РАВОН ЙўЛЛАР

Шокир СОФИТТОВ, шаҳар йўл қурилиши ва таъмирлаш трестининг 1-қурилиш-таъмирлаш бошқармаси бош муҳандиси. — Биз Эски шаҳарнинг Абдулла Қодирий қўшқисидан тер туқдик. Бу ерда ишчи шу йилнинг 18 июлида бошланган эдик. 100 дан ортиқ ишчимиз 3 сменада меҳнат қилишди. Йўлнинг Габуру Ғулom қўшқисидан Ботир Зокиров қўшқисига бўлган қисмида қурувчиларимиз жадал сурьатларда иш олиб боришди. Уштаннинг олдинги қисмида йўл қурилиши технологиясига асосан ер уч-тўрт метр чуқурликда қавлашиб, сунг қанализация, унинг устида телефон ва электр тармоқлари утказилди. Унда кейин узиимизда 19 та техника ёрдамида ерни текислаб, қўшма тупроқ, шағал пёшима-пеш тўқизилди. Эни 26 метр, узунлиги 1,3 километр йўл қурилиши қўшқисидан майдон ва икки томонда мулклар яратиш билан бирга олиб боришди.

Шавкат АЗИМОВ, «Сувосаз» трестига қарашли ичимлик суви утказиш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи. — Яқин-яқинларгача шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида яшовчи аҳоли ичимлик суви билан етарли суви утказиш қурувчиларини пешма-пеш етказишди. Улар бир кунда 400-600 метр жоғра қувур ётқизди, устини ёпиб кетишга эришдилар. Шундай қилиб биргина Қорасарой қўшқисининг узида 4 километрга яқин ердаги қувурлар янгиликча алмаштирилди.

Рисқийов КАРИМОВ, «Тошкентйўлқурилиш» бошқармаси бошлиғи: — Ишчиларимиз юқоридagi қўчаларга асфальт ётқизиш билан машғул бўлишди. Бунда чет элдан чиқарилган замонавий техникадан унумли фойдаландик. Ишчиларимиз биринчи бўлиб Сағбон қўшқисини фойдаланишга топширишди. Бу кўчада улар кенглиги 16 метр, узунлиги 1,4 километр жоғра асфальт ётқизилди. Қўлган қўчалар ҳам ўз вақтида қуриб битказилди. Бу ерда шунинг ҳам айтиб ўтиш керакики, илгирилари йўл қуриладиган бўлса суви, газ, канализация, юқори қўлланувчи электр тармоқлари, алоқа кабеллари ва бошқалар қўшқининг уртасидан утказиларди. Натижада янги қурилган йўл у мудаттини утамасдан бир неча марта бўзилиб қайта тикланарди. Бу ерда ундай бўлмади. Асқинча юқоридagi қанализация ва кабеллар йўлининг чек-касидан утказилди. Бунда лойла-ҳиҳиларнинг хизмати катта бўлди.

Ғайрат ЮНУСОВ.

Сўз — мутасаддиларга
УЙИМИЗНИНГ ТҮРИ
СИЗНИКИ, ҚАРДОШЛАР

Шухрат ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, «Пахтакор» клубининг президенти:
— Пойтахтимизда илк бор ўтказилаётган 1-Марказий Осиё ўйинларини кўнглидагидек ўтказиш учун тайёргарлик ишлари жуда пухта ташкил этилди. Биз мусобақалар ўтказиладиган «Пахтакор», МХСК, «Динамо» спорт иншоотларини бир неча бор текширдик. У ердаги олиб борилаётган тайёргарлик ишларини кўрдик.

Шуни таъкидлаш керакки, Тошкентта 1-Марказий Осиё ўйинларида иштирок этиш учун жуда кўп спортчилар таъриф буюришяпти. Спортчилар ва делегация аъзоларини қабул қилиш учун «Ўзбекистон», «Чорсу» ва «Тошкент» каби энг яхши меҳмонхоналар ажратилди. Бундан ташқари спортчилар учун маданий тадбирларни ташкил этиш мақсадида махсус дастур тайёрланди. Уйлаимизки улар Мустақиллик байрамида ҳам иштирок этишиб томошаларни кузатишади. Энг асосий тантаалар — 1-Марказий Осиё ўйинларининг очилиш маросимида қатнашиш учун 6 мингдан ошқ эш йигит-қизлар тайёрланишяпти. Улар спортнинг бир неча турлари бўйича кўргазмали чиқишлар қилишади. Биз бунда миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда чиройли сахналарда чиқишлар намойиш этишимиз. Асосий мақсадимиз ҳам бешта қардош республика қатнашаётган спорт мусобақасида «Туркистон-умумий ўйимиз» мавзусида ранг-баранг томошалар дастурини тайёрлаш, спортчилар ва делегация аъзоларини кўнглидагидек кўтиб олиш.

Игорь БАРАБАН,

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасининг вице-президенти:

—Мусобақаларга бизнинг спортчиларимиз асосан Тошкент вилоятидаги сўлим Янгиобод спорт базасида тайёрланишди. У ерда спортчилар учун 2 та йиғин ташкил этилди. Бундан ташқари деярли барча спортчиларимиз хоржий давлатларда ўтказилган кўплаб мусобақаларда муваффақият билан қатнашиб Тошкентга қайтишди. Барча 12 турдаги мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари халқро талаблар даражасига жавоб берадиган ҳолда таъмирланди. Ушбу мусобақага шунчалик жиддий тайёргарлик кўраётганимизнинг яна бир сабаби шундан иборатки, 1-Марказий Осиё ўйинлари бу — спортчиларимизнинг Атлантада ўтадиган олимпиада ўйинлари олдидан ўз кучларини яна бир қарра синаб кўришларига имкон яратди.

Тошкентда ўтадиган ўйинларга ХОК то'ғридан ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 31 август кунин ХОК президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч, шунингдек Осиё Олимпия кенгашида президент Шайх Ахмад Фахад ал Сабах ҳазрати олийлари, ХОКнинг биринчи вице-президенти Виталий Смирнов, мусобақада иштирок этувчи республикаларнинг олимпия кўмиталари президенти яна таъриф буюришди.

Роман ИЦКОВ,

Миллий тоғфадаги ҳакам, 1-Марказий Осиё ўйинларининг бош қотиби:

—Спортчиларнинг 1-Марказий Осиё ўйинларида қатнашуви хусусида тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон ва Қирғизистон — тўла дастур бўйича, Қозғистон баскетбол, Туркманистон эса теннисдан бошқа барча спорт турлари бўйича мусобақаларда иштирок этишади. Тожикистон эса велоспорт, қиличбозлик, сузиш беллашувларида қатнашмайди. Спортчилар ва делегация аъзоларини қўшиб ҳисоблаганда Тошкентга жами 1000 дан ортиқ спортчилар таъриф буюришди.

Мусобақа оғиллари учун медаллар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар тайёрлаб қўйилди. Чунки, фақат 1-ўрин соҳибларига бериладиган сержило биллур гулдонлар «Оникс» ҳиссадорлик жамиятида тайёрланди.

Энди ҳомийлар хусусида тўхталадиган бўлсак Корея спорт федерацияси кўрак ноҳиллари, аккредитация карточкалари, ўйин эмблемаси таширилган бўйинбоғлар тайёрлаган бўлса, «ДЭУ» корпорацияси ҳакамлар учун форма, спортчилар учун нишонлар топширди. Германиянинг «Штрабах» фирмаси шпорлар тайёрлади, шунингдек велоспорт ва мерганлик бўйича спорт анжомларини олишга қўмақлашди. Грециянинг «Вардоянис» фирмаси эса молиявий ёрдам берди ҳамда ўйинларнинг очилиш маросимида ёқиладиган машъаланинг Грециядан келтирилишини ташкил этди. Спорт кийимларини эса «Малика» ҳиссадорлик жамияти тикди. Хуллас калом ҳомийлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб 1-Марказий Осиё ўйинларига бағишланган ноҳиллик махсуслотларини ўз вақтида, чиройли ва сифатли чиқарган «Ўзбекистон» наشريётига ва учта спорт базасини ўйинлар ўтказишга барча қулайликлари билан тахт қилгани учун республика Мудоффа вазирлигига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчи эдим.



Мерганлик бўйича мусобақаларда республикамиз спортчиларининг галаба қозонишларига кўчмалик мутасаддилар ишонч билдиришмоқда.

НИМА, ҚАЧОН, ҚАЕРДА?

Албатта, Марказий Осиё ўйинларида кенг қўламдаги спорт тадбирини бевоқифа ўйингоҳларда кузатиш учун ишчибозлар кўп-кўп ўзлари қизиққан спорт турларини танаққуллашди. Эеро, кимдир боксчи жон-дилдан севса, бошқа биров баскетбол деса ўзини «тоғдан ташлайди», яна кимдир теннис ишчибози. Мана шуларни қайсига олган ҳолда барча 12 та мусобақалар бўйича беллашувларни ҳисоб қилулар, қандай ўйингоҳларда ўтказилиши билан оқшомиларни таништирамиз.

МХСК СПОРТ МАЖМУИДА

Эркин ва грек-юнон кураши катта спорт залида — 2-4 сентябрь кунлари.

Сузиш — сув ҳавзасида — 5-7 сентябрь кунлари.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ЗОВИТЛАР УЙИДА

Баскетбол — спорт зали — 2-7 сентябрь кунлари.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

Енгил атлетика — катта спорт майдонида — 7-8 сентябрь кунлари.

Қиличбозлик — қиличбозлик залида — 4-8 сентябрь кунлари.

«ДИНАМО» ТЕННИС МАЙДОНЛАРИДА

Теннис — 4-7 сентябрь кунлари.

«АППОНИШ» СПОРТ САРОЙИДА

Оғир атлетика — 6-8 сентябрь кунлари.

Бокс — 2-5 сентябрь кунлари.

ИККИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ СПОРТ ЗАЛИДА

Волейбол — 2-7 сентябрь кунлари.

МХСК УҚ ОТИШ ЖОЙИДА


Мерганлик — 10, 25, 50 метрли тирларда — 2-8 сентябрь кунлари.

ТОШКЕНТ — ОПМАЛИК АВТОМОБИЛЬ ЙУЛИДА

Велоспорт — 5-7 сентябрь кунлари.

ТУЗАТИШ: 1-ўйинлар мақоласининг биринчи хат бошидаги «26 сентябрь» оғзи «26 август» деб тузатиб ўқилсин.

1 - МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЙИНЛАРИДАН— ОЛИМПИАДАГА



«ПАХТАКОР» — ТАЙЁР!

Кейинги пайтларда «Пахтакор» Марказий ўйингоҳига борган киши уни бирчумла ёшаргандай, янада гўзаллашгандай севса ажаб эмас. Эеро, ҳар қандай йирик мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими республикамизнинг яна шу энг йирик ва фазли ўйингоҳида ўтказилади. Шунингдек, енгил атлетика бўйича мусобақалар ҳам «Пахтакор»да бўлади. Шу сабабдан янаги йили ўзининг 40 «ёшини» нишонлайдиган ушбу ўйингоҳда кенг қўламдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

—Тошкентўйининвестурилли» корпорациясининг 12-трести курувчилари 3 ой давомида стадионда таъмирлаш ишларини олиб боришди, —деди «Пахтакор» республика спорт-машғулот бирлашмасининг бош директори Умид Зоҳидов. —Шаркий минбарда театрлаштирилган томошалар учун 13х30 метр ҳажмида сахна тайёрланди. Германиядан мутахассислар биринчи бўлиб маррага етиб келган спортчининг суратини оладиган фотофиниш олиб келиб ўзлари ўрнатди берадилар. Шунингдек, Грециядан келтирилган мусобақанинг рамзий машъаласи ёқиладиган мосламани ҳам ўрнатди. Умуман олганда, ҳозир стадионимиз халқро тоғфадаги барча мусобақаларни ўтказиш учун тайёр дея оламиз.

ҚАПАМКАШЛАРНИ ҲАМ ИПҲОМПАНИРАДИ

Спорт мутахассислари «Кичик олимпияда», деб аташадиган 1-Марказий Осиё ўйинларининг бошланишига ҳам оз вақт қолди. Албатта, уни тарғиб қилишда журналистларнинг ҳиссаси катта бўлади. Биз 1-Марказий Осиё ўйинлари матбуот маркази бошлиғи Сафар Остонов билан мусобақаларда матбуот ходимлари учун яратилаётган шартшароитлар хусусида суҳбатлашдик.

— 1-Марказий Осиё ўйинлари бошланишига вақт жуда қисқа қолгани сайин матбуот марказининг ишлари ҳам ортиб борапти. Шу кунгача матбуот маркази қандай ишларни амалга оширди?

— Матбуот маркази учун ажратилган «Пахтакор» стадиони ҳудудида жойлашган Республика шахмат-шашка клубининг биноси таъмирланиб, зарур анжомлар билан жиҳозланди. Бундан ташқари биз спорт журналистлари билан икки марта йиғин ўтказдик. Бир марта Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида Собир Рўзиев иштирокида матбуот конференцияси ўтказилди. Сўнг республикамизнинг спорт журналистлари тўпланишиб қиладиган ишларини келишиб олишди. Маъзур спорт байрамини ёритишга 50 дан зиёд журналистлар аккредитация учун бизга буюртма берди.

— Маълумки, 1-Марказий Осиё ўйинларига кўшни республикалардан ҳам журналистлар келишади. Спорт мусобақаларини ёритиб бориш учун бу ерда фаолият юритишади. Уларга ҳам маълум даражада шартшароитлар яратилаётими?

— Шунингдек керакки, матбуот маркази барча техник воситалар билан жиҳозланади. Ташкилий кўмита, республика Миллий олимпия кўмитаси, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси — барчаси кўллари билан келганича журналистларга шартшароитлар яратилаётми?

— Хулласа телефон орқали, хоҳласа факс орқали ўша захотиёқ 1-Марказий Осиё ўйинларининг натижаларини газетасига, журналига хабар қилиш имкониятига эга бўлади. Мана шу яратилган ҳамма имкониятлардан албатта чет эллик журналистлар биз билан барсбар фойдаланишади. Биз ўзбекистонлик журналистлар ҳам албатта четдан келган журналистларнинг яхши ишлашлари учун, Ўзбекистондан яхши бир кайфият билан, яхши бир таассуротлар билан қайтишлари учун кўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз.

Шу кунларда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитасида айни иш қайнамоқда. Эеро, лойтахтада 1-Марказий Осиё ўйинларида келгачро микёсдаги йирик спорт тадбири ўтказилиши боис ҳали у ташкилий масала, ундан сўнг бу муаммони ҳал қилиш деғанларидай... Хуллас, Тошкент шаҳар спорт кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Сухбат Пўлатовни иш жойида топши осон бўлмади.


БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

— Мустақиллик байрами ва 1-Марказий Осиё ўйинларининг бир-бирига улашиб кетиши бизнинг шаҳар спорт жаётини ҳам жонлантириб юборди, —деди Сухбат Обидович. — Эеро, Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг тўрт йиллигига бағишланган байрам тантанасига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб спорт жамиятлари ва турли идоралар билан ҳамкорликда 1 сентябрь кунин соат 10 дан бошлаб шаҳримизнинг марказий майдонлари, маданият ва иштироқ боғларида етакчи спортчилар иштирокида кўргазмали чиқишлар, оммавий сайилга келган томошалар учун тош қутириш, шарқ яққақураши, шахмат-шашка, волейбол, стол теннис, миллий кураш, енгил атлетика кросси бўйича очик биринчиликлар ўтказилди. Мусобақалар, кўргазмали чиқишлар Халқлар Дўстлиги майдонида, Ўзбекистон Миллий боғида, Сайилгоҳ кўчасида, А. Навоий номли театр майдонида, Анҳор соҳили бўйидаги «Морж»лар саломатлик масканида, «Рохат» дам олиш оромгоҳларида ўтказилди.

Бундан ташқари 1-Марказий Осиё ўйинларида қатнашувчи давлатлар спорт делегацияларини Тошкент шаҳар туманлари ва спорт кўмитаси томонидан оталиққа олиш ва ушбу мусобақалар давомида қатнашувчилар учун маданий хизмат қилиш иш режалари ҳам белгилаб олинди. Унга кўра Қозғистон Республикасининг Шайхонтоҳур тумани, Қирғизистон Республикасининг Мирзо Улугбек тумани ва Туркманистон Республикасининг Юнусобод туманлари оталиққа олинди. Бектемир ва Серғели туманлари эса меҳмонларни аэропорт ва темир йўл шўхбекатларида қарнай-сурнай садолари остида нон-туз ва гулдасталар билан кўтиб оладилар. Бундан ташқари Шайхонтоҳур, А. Икромов, Юнусобод, Мирзо Улугбек туманлари меҳмонларга туманлар ва корхоналар бадийи хаваскорлари ижросида «Туркистон — умумий ўйимиз» мавзусида концертлар ташкил қилиш, спорт делегацияси аъзоларини туманларда жойлашган ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхона, ташкилотлар иш фаолиятлари билан таништириш, мусобақадан бўш пайтларида спортчилар учун пойтахтнинг диққатга сазовор жойларига экскурсиялар ташкил этиш, мусобақанинг очилиш ва ёпилиш кунлари ўз делегацияларига амалий ёрдам қўрсатиш вазифаларини амалга оширадилар. Бизнинг шаҳар спорт кўмитаси эса Алмати, Бишкек, Ашгабат ва Душанбе шаҳарлари спорт кўмиталари ва килларини пойтахт жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг иш фаолияти билан таништириди, туманлар спорт кўмиталари раислари билан таъриба алмашиш борасидаги учрашувларини ташкил этади. Уйлаимизки, ушбу пухта режалар асосида биз меҳмонларни кўнглидагидек кўтиб оламиз ва уларнинг яхши дам олишлари учун барча шартшароитларни яратиб берамиз.

ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ ИЖОБАТИ

Шарқнинг дарвозаси ҳисобланмиш Тошкентда 1-Марказий Осиё ўйинларини ўтказишга қарор қилиниши эзгу ниятларимиз ижобатидир. Унинг Марказий Осиё олимпиядаси деб аташ мумкин. Бу олимпиаданнинг бошқалардан фарқи шундаки, унда қон-қариндошлар, оғиллар иштирок этишади. Халқро Олимпия кўмитаси таъсирфуида Тошкентда ўтадиган 1-Марказий Осиё ўйинлари ҳаммаимизнинг тўғрисида, умумий спорт байрамимиз. Уни чиройли, юқори савияда ўтказишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилсакки, мақсадимизга эришамиз. Ана шундай ҳамкорлик орқали биз тезроқ дунё спортга чиқамиз ва муносиб мавқега эга бўламиз.



Республикамиз спорт муҳаммалари тошкентлик ёш теннисчи Дмитрий Томашевнинг 1-Марказий Осиё ўйинларидаги шиддатли беллашувларини орақиб кўтишмоқда. Алимурод Мамадамов оғил суратлар.

1-Марказий Осиё ўйинларининг очилишига бағишланган шахмат «Тошкент оқшоми» спорт шахматчили Дилшоа ИСРОИЛОВ таърилади.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА! «Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сон 4 сентябрда чиқади

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА БИЛДИРУВЛАР

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ 1995 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН 1 НОЯБРГАЧА ШАҲРИМИЗДА ГАЗДАН ХАВФСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ИККИ ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗАДИ. ҲУРМАТЛИ ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ВА АЗИЗ МЕҲМОНЛАР! ИККИ ОЙЛИКНИ ЎТКАЗИШГА ЎЗ ХИССАНГИНИ ҚўШИНИ!

Газдан бўладиган хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида ёнғин чиқиши, портлаш ёки одамларнинг захарланишига йўл қўймастик учун газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига қатъиян риоя қилинг:

— ёқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг;

— ёш болаларга ёки газдан фойдаланиш қоидаларини билмаган шахсларга газ асбобларидан фойдаланишга рухсат берманг;

— газ плиталарини бекорга ишлаб туришга ва улардан хоналарни иситишда фойдаланманг.

Агарда хонадонингизда, кўчада ёки ертўлада ва қудуқларда газ ҳидини сезсангиз дарҳол туман газ бўлимларига ёки авария диспетчерлик хизматининг «04», 53-56-19, 53-56-31, 55-44-27, 55-44-29 телефонларига кўнғироқ қилинг.

Газ ҳўжалиги ходимлари етиб келгунча эҳтиёт чораларини кўринг, яъни хонадаги газ асбобларининг жўмрагини беркитинг, хона ойна ва эшикларини очиб шамоллатинг, гугурт ёқманг, электр чиқроқларни ёниб турганини ўчирманг ёки ёқманг.

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН! Газнинг ҳаво билан аралашмаси ёниш ва портлаш хусусиятига эга!

Газ сизиб чиқишининг олдини олиш — бу ҳар қандай кўнғилсиз ҳодисаларни бартараф қилиш демакдир.

— Дудбуронли сув иситиш мосламаларини ёқишдан олдин албатта дудбуронда тортиш кучи борлигини текшириб кўринг;

— дудбуронларни яроқли эканлиги тўғрисидаги далолатномаларни туман газ бўлимларига ўз вақтида етказишга ҳаракат қилинг;

— суолтирилган газли баллонлардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъиян риоя қилинг, баллонларни очик олов, кўёш нури тўғри тушадиган жойлардан панада бўлишини таъминланг;

— 3 конфоркали газ плитасидан фойдаланишда унга ўрнатилган «Балтика» босим созлаш мосламасини газ баллонига тўғри ўрнатилишига катта эътибор беринг.

ГАЗДАН ЭҲТИЁТКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИШ — БУ СИЗНИНГ ХОТИРЖАМЛИГИНГИЗ КАФОЛАТИДИР!

«Тошгаз» бошқармаси.

Очик турдаги акцияли жамият — А. Иброҳимов номли Тошкент чинни заводида ишлаб кетган ҲУРМАТЛИ МЕҲНАТ ФАҲРИЙЛАРИ!

Сизларни корхона жамоаси Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан қизгин муборакбод этади. Барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, оилавий қувонч, осойишта ҳаёт тилаб қоламиз.

«Узэлектрқабелсавдо» ҳиссадорлик жамияти жамоаси фирмага бўлим бошлиғи Б. Т. Мамбетовга оталари Тожибо Мирхалилович МАМБЕТОВНИНГ вафот этганилиги муносабати билан чўқур таъзин билдиради.

Advertisement for 'Тошкент' newspaper. It includes contact information for the newspaper office, phone numbers, and details about subscriptions and advertising rates. The text is in Uzbek and includes phrases like 'Муассас: Тошкент шаҳар ҳокимлиги' and 'Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70'.